

ЧЎЛПОН АСАРЛАРИНИНГ ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ

ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИНИНГ ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

*филология фанлари доктори, етакчи илмий ходим
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклор институти*

Чет элларда, хусусан, Туркияда Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодига қизиқиш анчагина қадим тарихга эга. Гапни аниқ далилдан бошлайдиган бўлсак, Октябрь тўнтаришидан кейинги Фарғона фожиалари тасвирланган Чўлпоннинг “Гўзал Фарғона” шеъри Истанбулда нашр этиладиган “Янги Туркистон” журналида 1927 йили босилган. Орадан уч йил ўтгач, бу шеър туркистонли Арслон Субутой томонидан немисчага ўгирилиб, “Туркистонда шоирлар ва шеърият” номли тўпламда Олмонияда чиққан.

Тоҳир Чигатойнинг 1954 йил босилган “Туркистонда Туркчилик ва халқчилик” номли китобининг иккинчи бўлимидан “Гўзал Фарғона” шеъри ҳамда унга доир фикрлар (45-46-бетлар) ўрин олган. Шунини таъкидлаш керакки, Туркияда мазкур шеърга эътибор ҳануз сусайгани йўқ. “Туркиядаги туркистонликлар, – дейди олим ва адиб Ўрон Қовунчи, – буюк Чўлпоннинг иккита шеърини фарзандларига, албатта, ёд олдиришади. Булардан бири “Гўзал Фарғона”. Уни “Гўзал Туркистон” деб ўзгартирганмиз. Кўшиқ қилиб қуйлашади. Иккинчиси – Анвар пошонинг ўлимига бағишланган “Балжувон” шеъри. Кейинги шеърнинг тўлиқ матнини мен ҳали топганим йўқ. Аммо қуйидаги сатрлар унинг нақадар улуғ дард ва армон билан ёзилганлигини англата олади, деб ўйлаймиз:

*Энг сўнги умидни қонга бўяган,
Оҳ, қандай хайрсиз замонлар келган?
Фарёдим дунёни бўғиб ўлдирсин,
Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсин...”*

Тарихдан маълумки, Туркистондаги жадиличлик ҳаракати адабиётга ҳамқучли таъсир кўрсатган эди. Хорижда чиққан илмий асарларда “Жадиличликадабиёти билан Туркистон адабиёти тарихининг янги даври бошланди”, – деб белгиланган. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон шу адабиётнинг энг улуғ вакиллари билан бири. Шунинг учун чет мамлакатларда – Туркия, Олмония, Америкада яратилган Туркистон жадиличлик ҳаракатига доир китоб вамақолаларда Чўлпон адабий фаолиятига ҳам эътибор берилган. Бу ўринда Закий Валидий Тўғон, Боймирза Ҳайит, Нодир Давлат, Чигатой Кўчор сингари тадқиқотчиларнинг номларини эслатиб ўтиш мумкин.

“Тошканд, Хўканд, Самарқанд ва Андижонда жаидчи жамиятлар бир ёндан миллий истиқлол учун курашарканлар, бошқа томондан мингларча жилдлик асарларга эга кутубхоналарни майдонга келтирмишлар”, – дейди Али Бодомчи ва яна мана бундай фикрларни айтади: “Турон кутубхонаси раиси ва Туркистоннинг Маҳмад Акифи миллий шоир Чўлпон очик ифодаси, гўзал туркчаси ва жозибали услуби ила шеърларида Русия империализми, унинг истибдодига қарши Туркистон истиқлолига чорлайдиган фикрлари билан миллий ҳаяжон ва руҳни оёқлантирарди”.

Жаид адабиётига хос хусусиятлардан бири Туркистон ва Турон номи билан боғлиқ шеърларнинг кўплиги ёки шу икки атаманинг қайта-қайта тилга олинишидир. Бунга сабаб нима эди? Биринчи сабаб, “Жаидчилик ҳаракати раҳбарларининг Рус истилоси ва мафқурасига туркчиликни қарши қўйишлари” бўлса, иккинчиси, Номиқ Камолнинг ҳуррият ва Ватан севгисини ифодалаган шеърлари, хусусан, Маҳмад Амин Юрдакулнинг “Мен бир Туркдурмен” дея бошланган шеъри таъсирида юксак оҳангли ватансеварлик сатрларини тизишидир.

Хўш, туркчилик нима? Зиё Кўкалп хулосаси бўйича “турк миллатини юксалтмак”дир. Турон тушунчаси эса «тур»лар, яъни туркларни ичига олган бирликнинг оти». “Турон мафқураси бўлмаса эди, туркчилик бу қадар суръат-ла ёйилмас эди”, – дейди Кўкалп.

Гап шундаки, Чор Русия учун ҳам, Совет давлати учун ҳам туркчилик кўрқинчли мафкура ҳисобланган... Ўзбек адабиётшунослиги Чўлпон шахсияти ва ижодиётини қоралаш билан чеклангани йўқ. Бу жабҳадаги бошқа бир йўналиш, Чўлпон ва унинг асарларига ижобий муносабатда бўлган хориждаги тадқиқотчиларни айблаш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини далил-исботсиз рад этиш, ҳатто илмий одоб талабларини ҳам унутиб, сўкиш тарзида давом этиб келди. Бундай “илмий кашфиёт”лар гоҳо номзодлик ва докторлик дипломларини олиш учун энг қулай омил ролини бажаргандир. Шу маънода йигирманчи йиллар ўзбек шеърятини ўрганган олимларимиздан бирининг 1965 йилда босилиб чиққан мана бу фикрларини келтириш мумкин: “Орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтгач, – дейди у Нью-Йорк ва Мюнхен, Истанбул ва Кёльн, Вашингтон ва Анқара дарвозахоналарида санқиб юрган ва ашаддий буржуа малайларига айланган ватанфуруш хоинлар ичидан Чўлпон ва Фитратнинг ҳомийлари чиқиб қолди... Номини айтишга ҳам арзимайдиган шундай бир “олим” ўз буюртмачи хўжайинлари – Ғарбий Германия гангстерларининг талабига жавоб бериш ҳаракатида Ўрта Осиё халқлариининг тарихини, иқтисодиёти ва маданий-адабий ҳаётини сохталаштириб кўрсатувчи қатор неофашистик характердаги бўҳтонлар яратди”. Далилсиз, умумий гаплардан иборат айблов шу билан тугамаган. Парчанинг давомини ўқиймиз: “СССРда

социалистик системанинг оламшумул тарихий ғалабасидан, ленинча миллий сиёсат тантанасидан... алами ичига сиғмаган бу иғвогар 1956 йилда Дармштатда бошдан-оёқ бўхтондан иборат китоб нашр қилди... Буни қарангки, “том маънодаги миллий адабиёт” деб юритилган адабиёт совет даврида тарқатилиб юборилиб, унинг ҳақиқий вакиллари Фитрат ва Чўлпонлар таъқиб остига олинган, адабиётдаги совет тенденцияси руслаштириш йўлидан борган эмиш...”

Илм ва адабиётнинг эмас, тоталитар тузум ва зўравонлик сиёсати манфаатларини кўзлаб тўқилган бундай гапларни ошкора ёқловчи кишилар энди деярли топилмаса керак. Чунки социалистик системанинг оламшумул тарихий ғалабаси ва ленинча миллий сиёсат тантанаси қандай якун топаётганлигини изоҳлашга бугун эҳтиёж қолмади ҳисоб. Лекин “номини аташга ҳам арзимаиди” – дейилган ўша олим ҳозир ҳаёт, ўз фаолиятини давом эттирмоқда. У 1956 йилдан сўнг ҳам Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, диний тарихига бағишланган юзлаб мақола ва ўнлаб рисола ҳамда йирик монографияларини бир неча тилларда нашр эттирди.

Гап ким ҳақида кетаётганлигини илғаб олгандирсиз. У Олмонияда истиқомат қилаётган ватандошимиз йирик муаррих олим Боймирза Ҳайитдир. Чўлпон ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича чиндан ҳам у анча фаоллик кўрсатган. Унинг “Туркистон Русия ила Чин орасинда”, “Совет Русия империализми ва турк дунёси”, “Коммунизм ва турк дунёси”, “Туркистонда ўлдирилган турк шоирлари” китобларидаги ўнлаб саҳифаларда Чўлпоннинг шахс ва шоир сифатидаги қисмати ёритилгандир.

Боймирза Ҳайитнинг маълумотига, кўра, Чўлпон охириги ҳибсга олингунига қадар етти маротаба қамалган. Лекин у эътиқодига қарши бориб, совет тузумини ёқлайман, деб сўз бермаган экан. “Мужоҳид шоир, – дейди Боймирза Ҳайит, – миллатчилик ва миллатпарварлигининг қурбони бўлди. Совет ҳокимияти учун кўп таҳликали ўлароқ қабул этилган Чўлпон 1937 йилда тақрор ҳибсга олиниб, 1938 йилда ўлдирилмишдир... Туркистон турклари қоронғулик кечаларида Чўлпон каби юлдузга эга бўлмоқлари учун балки узун йилларни ўтқарорлар... Чўлпоннинг ижод йўлини ёзсак романлар майдонга келажакдир. Унинг асарларидаги буюк орзу-истакларни шарҳласак жилдлар тўлажак. Чўлпон машъум қоронғулик даврининг ягонапорлоқ бир юлдузидир. Уни ўлдирдилар, аммо руҳини ўлдира олмадилар. Не ёзиқки, Турк дунёси Чўлпон каби буюк шоирнинг фикрларини ёш наслга ўргатиш хусусида ожиз қолмишлар».

Боймирза Ҳайит Чўлпоннинг “Хаёл”, “Халқ”, “Виждон эрки”, “Кураш”, “Мен ва бошқалар”, “Тўзал Фарғона” каби шеърларига диққатни тортиб, уларнинг маъно-моҳиятини умумий тарзда изоҳлаб ўтган.

Маълумки, санъат ва адабиёт ҳеч қандай сиёсат доирасига сиғмайди. Адабиётни фақат сиёсат мезонлари ва сиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан

туриб баҳолаш – унинг имконият ва бадий хусусиятларини ниҳоятда чеклаш ёки етарли даражада англай олмаслик демак. Адабий асарга, айниқса, шеърга сиёсий тарафкашлик билан ёндашилганда талқинда холислик бўлмайди. Шеърдаги ички маъно, яъни образли моҳият четда қолиб, унга айтарли алоқаси йўқ фикр-мулоҳазалар илгари сурилади. Бу камчилик Чўлпон шеърларини таҳқирлаб ёхуд танқид қилиб келган ўзбек совет олимлари учун қанчалик хос бўлса, Чўлпон шеърларини мақтаб, уларга юксак баҳо берган хориждаги олимларнинг ишлари учун ҳам хосдир.

Чўлпон англаган ҳақиқатлар нима эди? Унинг тўфонли, мурасасиз истақлари-чи? Бу саволларга жавоб унинг шеърларида жуда эҳтиросли тарзда ифодалангани Боймирза Ҳайит тўғри таъкидлайди ва мисоллар келтиради.

Биринчи мисол: “Советлар сизларга (яъни маҳаллий халққа – И. Ҳ.) бахт келтирдик” – дер эдилар. Чўлпон эса буни хаёл дер эди. У 1920 йилда ёзган “Хаёл” номли шеърида Туркистон ҳаётига ишорат этган».

Бу гап балки тўғридир. Лекин даъвони шеърни яхлит ҳолда келтириш биланмас, аниқ таҳлил билан исботлаш керак.

Иккинчи бир мисол: “Чўлпон 1921 йилда ёзган “Мен ва бошқалар” шеърида Туркистон вазиятини кўрсатган ва ҳуррият дейилган тушунчанинг не бўлганлигини баён этгандир». Ўша шеърнинг илк сатрларини ўқиймиз:

*Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,
Ўйнаган бошқалар, инграган менман,
Эрк эртақларин эшитган бошқа,
Қуллик қушигини тинглаган менман.*

Шоирнинг изоҳи бўйича бу фикрлар ўзбек қизи тилидан айтилган. Тўғри, тутқунликда йиғлаган, чорасизликдан инграган асиралар ўшанда кам бўлмаган. Шу маънода шоирнинг бошқа бир мақсадни кўзлаганлиги, бошқа бир тоифа одамлар аҳвол-руҳиясини акс эттирганлигига шубҳаланмаслик ҳам мумкин. Аммо шеър қаҳрамонидаги фавқулудда рухий қувват тасаввурда лирик “Мен” қиёфасини ўзгартиради. Бунга эса тасвирдаги йиғининг кулгидан, инграшнинг ўйиндан, куллик қушигининг “Эрк эртақларидан” мантиқан устунлиги сабабдир. Бу шеър туб моҳиятда сохта эрк, ёлғон озодлик устидан ўқилган кинояли ҳукм бўлиб, “Мен ва бошқалар” ўртасидаги “қалин девор” аслида ижтимоий, ахлоқий, гоёвий, истасангиз, сиёсий мазмун касб этадиган баҳайбат бир тўсиқ.

“Эркин бошқалардир...” Булар ким? Эрдан маҳрум оломон. Оммавий тобелик ва кишанлар ила дўстлашувга қаршилиқ кўрсатаётган якка шахс, яъни “Мен” эмас “ҳайвон қаторида саналган”, балки худди ўша “бошқалар”дир. Бу шеър ожиза қиздан кўра кўпроқ улуғ Шахс фожиасини ифодалайдики, уни шоир

Шахси дейилса хато бўлмайди. Зеро, шоир ҳолатини Туркистон вазиятидан ажратиб бўлмаса-да, улар айна бир нарса эмасдир.

Олмонияда яшаётган яна бир туркистонлик олим ва сиёсатчи Темур Хўжанинг “Турк дунёси тарихи журнали”нинг 1988 йил 13-сонида босилган бир мақоласи собиқ Совет Иттифоқида Москва томонидан тақиқланган туркий тилдаги асарлар масаласига бағишланган. Унда Беҳбудий, Мунаввар Қори, Аҳмад Бойтурсин, Мирёқуб Дулат, Мағжон Жумабой, Фитрат ва Чўлпон сингари ўзбек, қозоқ туркчасида ёзган ижодкорлар асарлари узоқ йиллар мобайнида халққа нега етказилмаган – мана шунинг асосий сабаблари айтилгандир.

Мирёқуб Дулатнинг асримиз бошларида яратилган “Уйғон қозоқ” номли шеърида шундай фикрлар ифодаланган экан: “Эй қозоқ, кўзингни оч, уйғон. Бошингни кўтар. Қадингни ерга эгиб, кўз ёшингни оқизма. Ер қўлимиздан кетди, дин заифлашди. Турмушимиз бузилди. Эй қозоқ, энди ортиқ ётиб бўлмас, уйғон, кўзғол...”.

Темур Хўжанинг таъкидлашича, бундай даъватлар Чор ҳокимиятини қанчалик ташвишлантирган бўлса, рус-совет маъмурларини янада ортиқроқ ғазаблантиргандир. Чунки миллий уйғониш, халқнинг ўзлигини танишга ундайдиган ҳар қандай сўз уларнинг ҳар иккаласи учун хавфли ҳисобланган. Мақола муаллифи Чўлпон шеърларининг кескин қораланиши ва нашр этилмаганлигини айна шу нуқтаи назардан баҳолайди. Ва «ўзбек туркчасида энг гўзал шеърлар ёзган Чўлпоннинг “Куз” шеърига тўхталади.

*Кўм-кўк экан саргайдилар япроқлар,
Оғриқ, мағлуб, тутқун Шарқнинг юзидек.
Бўронларнинг кўзлари кин ўйноқлар,
Ғолиб ғарбнинг қонга тўлган кўзидек, –*

сатрлари билан бошланадиган ушбу шеърда “Қора булут”, “Қарғалар” каби рамзий образлар бор. Умуман, бу икки образ Чўлпон шеърларида тез-тез такрорлангандир. Бир пайтлар шоирнинг муҳолифлари шундан ҳам фойдаланиб, “Қарғалар”ни русларга, “Қора булут”ни Совет тузумига нисбат беришган. Лекин:

*Қора булут лочинлари қирларда,
Қанот ёйиб эркин қулоч отарлар, –*

сингари тасвирларнинг тузумга нечоғлик алоқадорлигини улар мулоҳаза қилишмаган. Темур Хўжа ҳам “Куз” шеърининг чоп этилмаслик сабабини айнан шу “Қора булут” ва “Қарғалар”га элтиб тақайди. Унингча, “Куз” шеъри Москва учун социалистик тузумни танқид қилган Борис Пастернакнинг “Доктор Живаго”сидан ҳам хавфлироқдир. Чунки Пастернакнинг асари босилган. “Демак, руслар тузумни танқид этишлари мумкин, – дейди муаллиф, – аммо... Чўлпон

тахликалидир”. Шунини айтиш керакки, Темур Хўжанинг мақоласи чиққан худди ўша 1988 йилда “Куз” шеъри Чўлпоннинг “Баҳорни соғиндим” номли тўпламида нашр этилганди. Бундан ташқари, шеърда “Ғолиб Ғарбнинг қонға тўлган кўзи”га ишорат бўлса-да, унда Ватан қисматидаги маҳзун, хазонли қора бир давр манзараси чизилгандир.

Қайта қуриш давридан кейин хорижда ҳам Чўлпон ижодига қизиқиш кучайди. Мақола, диссертациялардан ташқари, “Истиқлол байроғи”, “Туркистон”, “Янги кун”, “Амал”, “Туркистон саси” сингари журналларда Чўлпон шеърларидан намуналар берилиб, уларга доир бир қанча мухтасар шарҳ ёки қайдлар босилди. Хуллас, чўлпоншуносликда хорижда амалга оширилган ана шу ишларга ҳам алоҳида эътибор берилиши керак.